

# **Кўшработ тумани ҳокими Дилшод Шакарбоевнинг “Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик!” шиори остида ўтказилаётган тадбир Маърузаси**

*Ассалому алайкум, азиз тумандошлиар, қадрли туманимиз ёшлари!*

Сизларни, туманимизнинг **28199** нафардан ортиқ ёшларини «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида ўтказилаётган байрам тадбири ҳамда ажойиб айёмлардан бири 30-июнь – Ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай қувончли санада келажагимиз эгалари бўлмиш Сиз азиз ёшларнинг туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётидаги иштирокингизни эътироф этган ҳолда, келажакда ҳам мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўплаб вазифаларни амалга оширишда Сизнинг шижаатингиз, Ватанга бўлган меҳр ва садоқатингиз ўта муҳим эканлигини таъкидламоқчиман.

Жорий йилда ҳам олдинги йиллар каби ёшлар билан ишлашда, уларнинг ҳар томонлама кўмаклашиш, муаммоларини бартараф этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилиб, қурилиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, касаначилик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги соҳаларига, бандлик жамғармаси орқали ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури доирасида, ёшлар меҳнат ярмаркалари орқали ёшларнинг бандлиги таъминланди. Бу борадаги амалий ишлар давом этади ва йил сўнгига қадар яна ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Меҳнатга чанқоқ, ер билан тиллашиб, ундан даромад олиш истагида бўлган ёшларимизга "Ҳар бир ёшга – бирга гектар" ва "Ҳар бир ёшга 50 сотих" лойиҳалари доирасида туман захира ерларидан ажратиб берилиб, дехқончилик қилиш учун ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Йилдан-йилга ёшлар орасида тадбиркорликка қизиқиш кучаймоқда, шу билан бирга, ёш тадбиркорлар сони ҳам ошиб бормоқда. Сўнгти 2 йилда кўплаб ёшларимизга "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди.

**Азиз ёшлар!**

Жорий йилда олий ўқув юртларига киришда ҳар йилгидан-да кўпроқ имкониятлар яратилмоқда. Бир вақтнинг ўзида 5 та олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш имкони, шу билан бирга, қабул квоталарининг янада кўпайтирилиши Сиз, азиз ёшларимизнинг олий таълим муассасаларида таҳсил олишингиз учун берилаётган катта имкониятдир.

Үқиши-үрганиш, доимий изланиш, илм-фанга, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшашингиз талабалик баҳтига мұяссар бўлишингизга замин яратишига ишонаман.

Қадрли мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларимиз!

Унутманг, ота-онангиз, устоз-мураббийларингиз, халқимизнинг сизлардан кутаётган орзу-умидлари жуда катта. Уларни амалий ишларингиз билан рўёбга чиқариш йўлида ҳорманг, чарчаманг!

Сизларни бугунги байрам тадбири ҳамда Ёшлар куни билан яна бир бор самимий табриклар эканман, барчангизга баҳт, омад ва зафарлар тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз ёшларимиз!